



O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 20-noyabr. Seshanba 137 (31.569) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz



ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

2012 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда бош вазир ва ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Мажлисте асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: электорат манфаати

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ижтимоий-иқтисодий фаолликни оширишнинг муҳим асоси

Иқтисоди ривожланган давлатлар бо- сиб ўтган йўл шуни кўрсатмоқдаки, иж- тимой-иқтисодий жараёнларда аҳоли иштироки даражасининг юқорилиги мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир.

«Аҳолини иш билан таъ- минлаш тўғрисида»ги Ўзбе- кистон Республикаси қону- нда кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббу- сини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар меҳ- нат қилиши ва яхши ҳаёт кечирishi учун муносиб шароит яратиш бериш, унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлан- тиришга кўмаклаштиш аҳо- ли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг усту- вор тамойили этиб белги- ланган.

Шундан келиб чиқиб, жа- хонда молиявий-иқтисодий инкироз ҳукм сурган, барка- рор ривожланган давлатлар иқтисоди танг аҳволга тушиб, минг-минглаб одамлар иш- сиз қолаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш,

кишилар ўз ишини очи- шига ҳар томонлама ёр- дам бериш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қув- ватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Парламент томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат дастури қабул қилинмоқда. Мазкур дастур доирасида муҳасадди ва- зирлик ва маҳаллий ҳоким- ликлар зиммасига ҳудуд- ларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларни меҳ- натта жалб этиш, таълим му- ассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил қилиш гоёси билан чиққан фуқароларга қулай шароит яратиш, аynи пайтда, улар- ни қўллаб-қувватлаш ўта



масъулиятли вазифа сифа- тада юкланаяпти.

Азалдан ота-боболаримиз бир ишнинг бошини тутиб яшаган, фарзандларга шу маслакни ўргатиб, атроф- дагиларни ҳам шунга унда- ган. Бир сўз билан айтганда, яратиш яшашга интилиш

ҳисси халқимизнинг қонида бор. Фақат бу интилишни қў- лаб-қувватлаш, керак пайтда йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатиш лозим. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаш- тириш билан боғлиқ қонун- лар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳуж- жатларни такомиллашти-

риш, давлат ва ҳудудлар- ни ривожлантириш даст- турларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида ушбу маса- лага алоҳида эътибор қа- ратилмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта.

(Давоми 2-бетда.)

Тадбир

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИДА 2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Халқ демокра- тик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли- си Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Меҳ- нат ва аҳолини ижтимоий му- хофаза қилиш вазирлиги бил- лан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идора- лар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбо- сари У.Вафоев, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳо- лини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимўхамедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли- гида аҳоли фаровонлигини янада ошириш, одамлар учун муносиб меҳнат шароитла- рини яратишга алоҳида эъти- бор қаратилаётганини таъ- кидлади.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ жорий ўкув йилида касб-хунар коллежларини битирган 501,5 минг нафар йигит-қиз мута-

хассислиги бўйича амалиёт ўташ ва ишга жойлашиш учун 93 мингта корхона ва таш- килотга бириктирилди. Но- гиронлар, меҳнат билан банд бўлмаган ёш болали аёл- лар, муддатли ҳарбий хиз- матдан захирага бўшати- лган фуқаролар ишга жойлаш- тирилди.

Ўзбекистон Халқ демокра- тик партиясининг Олий Маж- лис Қонунчилик палатасида- ги фракцияси, Меҳнат ва аҳо- лини ижтимоий муҳофаза қи- лиш, Иқтисодиёт, Ташқи иқти- содий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари, Мар- казий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Республика Савдо- саноат палатаси ҳамкорлиги- да ижтимоий-иқтисодий фо- румлар, амалий семинарлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбир- лар самарасида имтиёзли кредит маблағлари ҳисобида 2 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Сергели туманида бўлиб ў- тган йиғилишда ҳам янги иш ўринлари яратиш борасида- ги вазифалар атрофлича му- хокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Хушxabар!

СЛОВЕНИЯНИНГ МАРИБОР ШАҲРИДА ШОҲМОТ БЎЙИЧА 8 ЁШДАН 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР, ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМ- ПИОНАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Саккиз ёшгача бўлган иш- тирокчилар ўртасида Ватанимиз ша- рафини ҳимоя қилган Нодирбек Аб- дусатторов ўн бир имкониятдан 10 очко жағғариб, жаҳон чемпионлиги- ни қўлга киритди.

Мазкур ёш гуруҳида дуненинг тур- ли давлатларидан жами 136 нафар ёш шатранж усталари швейцарча ти- зимда голиблик учун баҳс юритди. Иқтидорли ва умидли шохмочимиз бахслар давомида Европа чемпиони ва FIDE устаси, болгариялик Светлана Стоянов, эронлик Мухаммад Арбаби Поёя, россиялик Дмитрий Цой, у- краиналик Максим Горшков, финляндиялик Патрик Аалто, америкалик Йе- рик Ванг, англиялик Эдит Верма, хитойлик Юанг Янг ҳамда мўғулистон- лик Урмунтулга Батаргалли энгди. Туркиялик Узумчи Ахмет Утку ва малайзиялик Ли Лик Жан билан дуранг ўйнади.

Эслатиб ўтамиз, Нодирбек Абдусатторов аynи пайтда пойтахти- мизнинг Ҳамза туманидаги 152-мактабнинг 2-синфида ўқийди. У шохмочт бўйича илк сабоқларни 15-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий Равшан Шукуровдан олган.

Нодирбек ўтган йили болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати бронза медалига сазовор бўлган эди. Амалдаги мавсумда 10 ёшгача бўлган шохмоччилар ўртасида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган ёш спортчимиз мамлакатимиз тер- ма жамоаси таркибида Мариборга йўл олганди.

Иқтидорли шохмочимиз ва унинг устозларини галаба билан қут- лаймиз.

Эркин ХОЛБОБОВ



ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 20 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|-------------------|---------|---------------------|---------|--------------------|---------|
| 1 Евро | 2504,87 | 1 Дания кронаси | 336,51 | 1 Хитой юани | 315,40 | 1 Туркия лираси | 1093,76 |
| 1 АҚШ доллари | 1966,36 | 1 БАА дирҳами | 535,37 | 1 Украина гривнаси | 246,01 | 1 Швейцария франки | 2081,69 |
| 1 Россия рубли | 61,99 | 1 Миср фунти | 322,57 | 1 Малайзия ринггити | 641,97 | 10 Жанубий | |
| 1 Австралия доллари | 2039,90 | 1 Испания кронаси | 15,48 | 1 Польша злотийси | 603,53 | Корея вони | 18,10 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3130,05 | 1 Канада доллари | 1966,75 | 1 СДР | 2996,34 | 10 Япония иенаси | 242,07 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ
КОНСТИТУЦИЙВ
КАФОЛАТЛАРИ

3-бет

ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Йиғилишда таъқидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан жорий йилнинг 19 январда республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларини тизимли ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга эришишни ва Давлат бюджетни параметрларини муваффақиятли бажаришни таъминлайди. Беш асосий тамойил моҳиятидан келиб чиққан чора-тадбирларнинг амалга ошириш нафақат давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки сўнгги йиллар давомида Давлат бюджетни профицит билан ижро этилишини таъминлаш имконини ҳам берибди. Бу ҳол республикамизда ўтказилаётган солиқ ва бюджет сийсати самардорлигининг, мамлакат тўлов барқарор суръатлари, макроиктисодий барқарорликни янада мустахкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини исчил ривожлантириш, иш ҳақи миқдорларини илдам ошириб бориш ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш белгиланган.

Мажлисда сўзга чиққан депутатлар таъқидладиларки, 2013 йилда ялпи ички маҳсу-

лот 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши тахмин қилинаётганлиги, шунингдек, маэкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръати 2012 йил якунлари бўйича юқори бўлиши кутилаётганлиги 2013 йилги бюджет параметрларини шакллантириш учун асос бўлди. 2013 йилда солиқ-бюджет сийсати бўйича ўтказиш тақлиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида Давлат бюджетининг даромадлари ЯИМга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари эса 22,3 фоизни ташкил этади. Давлат бюджетни таққилиғи ЯИМ ҳажмига нисбатан 1 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилган.

Муҳокама чоғида солиқ ва бюджет сийсати солиқ юқини янада камайтиришга, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилашга, иқтисодиётни модернизациялашни рағбатлантиришга, ҳўжалик юритувчи субъектларни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, солиқ маэмуриятчилигини такомиллаштиришга, шунингдек, макроиктисодий мутаносибликни ва аҳоли турмуш фаровонлиғи ўсишини таъминлашга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди.

Солиқ сийсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни муваффақиятли рўёбга чиқариш келгуси йилда мамлакат иқтисодиёти зиммасига тушадиган солиқ юқини ЯИМга нисбатан 0,3 фоиз қисқаришини таъминлайди. Солиқ юқини янада қисқартириш чора-тадбирларидан бири сифатида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш тақлиф этилди, бу эса жисмоний шах-

слар тасарруфида 186 миллиард сўм қолиши имконини беради.

Депутатлар юридик шахсларнинг номоддий активлари (патентлар, лицензиялар, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар) бўлган молмулки солиқ солиш объектидан чиқарилиши корхоналар фаолиятига инновацияларни кенг жорий этиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилишини алоҳида таъқидладилар.

Мажлисда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлиғи даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, шунингдек, фол инвестиция сийсатини ривожлантириш 2013 йилга мўлжалланган бюджет сийсати ва Давлат бюджетининг иқтисодий асосий йўнашлишлари эканлигини қолғанига таъқидлаб ўтилди. Бинобарин, Давлат бюджетининг лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштиришга жами харажатларнинг 59 фоиздан қўпи сарфланиши назарда тутилган.

Давлат бюджетининг харажатларида 130 ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринга мўлжалланган 5 та сил касалликлари санаторийси, шунингдек, 5800 нафар шифокор хўзурига келувчини ва 7600 нафар беморни қабул қила олаётган 54 та туман тиббиёт муассасаси куриш ва уларни реконструкция қилиш белгиланган. Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилган «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш доирасида 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдага ҳўзирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва касбхўнар коллежи Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланади ва реконструкция қилинади. 1500 тадан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700 та академик лицей ва касбхўнар коллежи ҳўзирги замон ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув лабораториялари билан таъминланади. 54 та болалар мусика ва санъат мактаби, шунингдек, 137 та спорт зали ва 25 та болалар спорт объекти куриш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2,8 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Бу эса жорий йилнинг таъқидланган параметрларига нисбатан 22 фоизга қўпи. Хўсустан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни сув ресурслари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга 1,4 триллион сўм сарфлаш мўлжалланган. Бундан ташқари, мелиорация шохобчаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш дастури доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари ҳисобидан мелиоратив ишлар амалга оширилди. Натижада 300 миң гектар экин майдонининг ҳолати яхшиланади, бу ишларга 227 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Ирригация иншоотларини реконструкция қилишга, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва республикадаги аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилашга жорий йилдаги иқтисодиётни янада либераллаштиришга, хўсусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қўнучилик базасини муста-

ЎЗХДП: электротат манфаати

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ижтимоий-иқтисодий фаолликни оширишнинг муҳим асоси



Маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, депутатлар ижтимоий-иқтисодий шароитни атрофлича ўрғаниб, худудларни ривожлантириш бўйича бир ёқадан бош чиқариб харакат қилса, одамларни тинглаб, уларни ўйлантираётган масалаларни хал этиши йўлини биргаликда изласа, худудларда соҳалар барқарор ривожланишига йўл очилади. Натижада иш ўринлари ташкил этиш ташаббуслари янада кўпайиб, ҳар бир худудда хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайди. Мамлакат иқтисодиётини кўтариш, жаҳон миқёсида унинг рақобатбардошлигини ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган бугунги ислохотлардан кўзланган эзгу мақсад ҳам шу, аслида. **Мана шундай жараёнда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш дастурлари самарали бажарилиши билан бевосита боғлиқ бўлган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросига эришиш, бу борада ўзаро ҳамкорлик ва талабчанликни кўчатириш, ураётган камчиликларни вақтида бартараф этиш — долзарб вазифа.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ларининг қарийб 63 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келмоқда. Таъқидлаш керакки, маэкур Дастур иқтисодиёт тармоқларида барқарор иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш орқали жамиятда ижтимоий-иқтисодий фаолликни ошириш, касб танлаш ва меҳнат қилиш билан боғлиқ фўқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. **Дастурда кўзда тутилган иш ўринларининг вақтида ташкил қилиниши саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти барқарорлиги, шунингдек, ҳар бир соҳада мавжуд имкониятлардан қай даражада самарали фойдаланилаётгани билан боғлиқ эканлини унутмаслик лозим.** Шундан келиб чиқиб, йиғилишда иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида юзага келадиган камчиликлар, хўсустан, худудлар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг исчил ижросига эришиш, таълим муассасалари битирувчиларининг корхона-ташкilotларда намунали амалиётини кўчатириш, иш ўрни очилгани ҳақидаги ахборот ва ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ва тавсиялар билдирилди. Мутасадди вазирий ва ташкilotлар билдирилган тавсиялар асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиши Дастур ижросида исчиллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» лойиҳаси, бу йилги дастурнинг ўзига хос хўсусиятлари ҳақида батафсил ахборот берилди. **Комил ОЧИЛОВ, Олий Мажлис Қўнучилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:** — Дастур лойиҳасига кўра, 2013 йилда мамлакатимизда 970 миңдан ортиқ иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бунда ақсарият иш ўринлари кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, касаначилик, хўнармандчилик ҳамда оила-

вий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига очиллиши кутилаётти. **Таъқидлаш керакки, Дастур лойиҳаси худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳнат ресурсларидан, шунингдек, бандликни таъминлашнинг самарали шаклларида оқилона фойдаланиш нуктаи назардан ишлаб чиқилган.** Булар ЎзХДП Сайловолди дастурида иқтисодиётни ривожлантириш, вақтинча ишсиз кишиллар, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилади. Шунинг учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида, тармоқлар ва корхона-ташкilotларда Дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлаш бўйича аниқ ва исчил фаолият кўрсатиши, иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлашга яқиндан ёрдам бериши зарур. Чўнки яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти ривожланиши учун шароит яратиш, электротат манфаатини самарали ҳимоя қилиш доимий эътибор талаб этади.

Йиғилишда, шунингдек, иш ўринлари яратилиши билан боғлиқ бошқа масалаларда ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Хўсустан, худудий ривожланиш дастурларини маромига етказишда мутасадди корхона-ташкilotлар ўртасида ҳамкорликни кўчатириш, хисоботлар тайёрлаш ва уларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш тизимини такомиллаштириш, айрим соҳаларда ишга жойлаштириш, янги фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштириш зарурлиги таъқидланди, бу борада тақлифлар берилди.

Муҳокама жараёнида депутатлар, мутасадди ва мутахассислар билдирган мулоҳаз ва тақлифлардан келиб чиқиб, қўмита томонидан йиғилиш сўнггида тегишли қарор қабул қилинди. **Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

ЎЗХДП ҳаётидан

Навоий вилояти Қизилтепа туманида аҳоли бандлигини таъминлашда партия ташкilotлари фаоллигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда

Унда сўзга чиққанлар худудий инвестицион дастурларни шакллантириш ва уларни ҳаётга татиқ этиш, жойларда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда партия фаоллари ва депутатлар иштирокини кўчатириш муҳим вазифалардан эканлини таъқидлашди. Айтиш керакки, яқинда халқ депутатлари вилоят ҳақида туман кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ҳамда туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳамкорлигида худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режасига асосан 14 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш электротат манфаати самарали ҳимоя қилинишига муҳим аҳамиятга эга, шу боис ижтимоий ҳамкор ташкilotлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур, дейилди давра суҳбатида.

— Лойиҳаларнинг ақсарияти инвестицион дастурларни амалга ошириш, қишлоқларнинг иж-

тимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда шу асосда янги иш ўринлари яратишни кўзда тутибди, — дейди туман партия кенгаши раиси Фаезиддин Темиров. — Шунинг учун иш ўринлари яратиш имкониятлари, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги асосида ишга жойлаштириш масалаларида ижтимоий шерикчилик муносабатларини кўчатириш, унинг имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Тадбир давомида бошланғич ташкilotлар фаоллигини ошириш, корхона ва ташкilotларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида таҳлил ишларини олиб боришда қўйи бўгин ва депутатлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича тақлифлар билдирилди ҳамда шу асосда келгини вазири фалар белгилаб олинди. **Феруза ҚОДИРОВА**

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси депутатларининг фикрига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётини бундан бўён ҳам барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан фан-техника ва инновацион технологияларни муттасил ривожлантириш боришга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасида давлат илмий-техника дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тағриба-контрукторлик ишларини амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкilotларининг илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналарини модернизация қилишга мўлжалланган харажатларни ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Экологик харақатидан сайланган депутатлар 2013 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини маъқуллаб, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озик-овқат маҳсулотлари билан узулксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъқидладилар. Уларнинг фикрига кўра, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида агро-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни ифлослантиришни истисно этувчи замонавий технологияларни жорий этишни ҳам унутмаслик лозим.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қўнучилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаб ва таъқидлаш, тегишли қарор қабул қилди. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнучилик палатаси ахборот хизмати**

ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Давра суҳбатида давлатимиз рамзлари бўлган байрогимиз, гербимиз ва мадҳиямизнинг муқаддас эканлиги, ундан ҳар бир фўқаро фарҳансини лозимлиги таъқидланди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисида»ги қўнунинг мазмун-моҳиятини фўқароларга, айниқса, ёшларга исчил тушунтириб бориш муҳим аҳамиятга эгаллиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. **Музаффар ТУРОПОВ**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ҲУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ МАҚСАД-МУДДАОЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ — СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даври мобайнида ҳуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар демократик жараёнларда эркин ва фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Маълумки, қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси ҳуқароликларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбоғ чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир.

Сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ халқроқ тажриба тарихига назар ташласак, ўтган асрнинг 50-йилларига келиб Германия, Франция, Италия ва Япония каби давлатлар Конституцияларида сиёсий партиялар тўғрисидаги илк қондалар ўз аксини тоғганини кўраемиз.

Кейинчалик конституцияларда белгиланган меъёрларни мустаҳкамлайдиган ва ривожлантирадиган сиёсий партиялар фаолияти тўғрисидаги алоҳида қонунлар қабул қилина бошладилар. Хусусан, бундай қонунлар Германияда (1967 йил), Португалияда (1974 йил), Австрияда (1975 йил), Испанияда (1978 йил) ва бошқа мамлакатларда қабул қилинди.

Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда ҳам сиёсий партияларнинг ҳуқаролик жамияти институтини сифатидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришдаги ролини кучайтириш мақсадида конституциявий қонун, бир неча қонун ва қонун-ости ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан сиёсий партиялар «жамоат бирлашмалари» сифатида эътироф этилади. Бош Қомусимизнинг 58-моддаси билан эса давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги Конституциявий меъёр жорий қилинган.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми Конституцияимизнинг 60-моддасида ифодасини топади. Унга кўра, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали

давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлашни манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолияти йўлга қўйилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. 1996 йил 12 декабрда бевосита сиёсий партия тушунчаси, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолият кўрсатиш принциплари, ҳуқуқлари ва улар фаолиятига тегишли бошқа меъёрларни белгиланган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, шунингдек, 2004 йил 30 апрелда сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Қонунчиликка мувофиқ, икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг сиёсий партияларга берилиши сиёсий партияларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва ролини оширишга шартин яратди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар давлат органлари шаклланиши, айна пайтда, фаолияти демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этамоқда. Бунда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»(78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонун орқали жорий қилинган меъёрларни ҳаётга изчил татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Конституцияимизнинг 98-моддасига «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади» деган қоида киритилди. Демак, Қонунчилик палатасига ўтказил-

ган сайлов жараёнида қайси сиёсий партияларнинг сайловда дастурлари ва уларда белгиланган мақсад ва вазифалар сайловчилар томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланса, қуйи палатада энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия ҳуқуқат раҳбари, яъни Бош вазир номзодини таклиф этиш орқали ўз дастурлари ижросини таъминлаш имконига эга бўлди. Бу мамлакатимизда кучли ҳуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг бевосита тасирли кучайтирилганлигини далолатидир.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазири истаъфода чиқариш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истаъфода чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги таъсир кучи янада орттиришга қўлай шароит яратиб берилганини кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида сиёсий партиялар фаолиятига алоқадор бир неча қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсади ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги, «Ўзбекистонда ҳуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори шуллар жумласидандир.

Амалга ошириляётган ушбу сиёсий ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, демократик таъминот асосида фаолият юритувчи сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ошиб бориши мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими.

Тадбир

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ



Шавкат АКРАМОВ ойнаи сураи.

ШУ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛМОҚДА. АНА ШУНДАЙ МУЛОҚОТЛАРДАН БИРИ КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг таҳрир ҳайъати аъзолари ва ижодий ходимлари ҳамда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди. Тадбирни институт ректори, профессор Қадамбой Жуманиёзов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири

Сафар Остонов ва бошқалар Конституцияимизда белгиланган асосий қоида ва тамойиллар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлашди.

— Бош қомусимизда ёшларнинг билим олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган, — дейди институтнинг Енгил санаят ва мат-

баа маҳсулотлари технологияси факультети магистри Тўйли Аллаёров. — Масалан, Конституцияимизнинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади...» ҳамда 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади» дейилган. Шу маънода айтиш жоизки, бугунги тадбир бизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятимизни янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, тадбирда талаба ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

ОИТСГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛАР ФОРУМИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ПАРК ТУРОН» МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН «ОИВ/ОИТСГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШДА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ» МАВЗУСИДА ФОРУМ ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА ТУРЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, ДАВЛАТ ҲАМДА НОВАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ФАОЛЛАРИ, ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ҚАТНАШДИ.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори ўринбосари Гулом Ражабов, Ўзбекистон Муслимонлари идораси раисининг ўринбосари Абдуразақ Юнусов, БМТнинг ОИТСга қарши кураш агентлиги координатори Дени Аво ва бошқалар ОИТС инфекцияси тарқалишига қарши курашда аҳоли, айниқса, ёшларнинг тиббий маданияти ва маънавиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

муш тарзини кенг тарғиб қилиш ва шакллантиришда жамоат ташкилотларининг сайё-ҳаракатларини бирлаштириш катта роль ўйнайди. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим масканларида турли ижтимоий лойиҳалар ва соғломлаштириш акциялари ташкил этилаётир.

— Ҳеч ким хасталикдан кафолатланмаган, — дейди Республика ОИТСга қарши кураш мар-

кази бўлим бошлиғи Моҳиғул Отабекова. — Шунинг учун мамлакатимизда ОИТСга қарши тизимли курашишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда аҳоли ўртасида профилактика тадбирлари ва даволаш-таъхис ишларини кучайтириш, мутахассисларнинг билими ва касб маҳоратини доимий ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда мутахассислар томонидан мавзуга оид маъруза қўйилди. Шунингдек, унда инсон саломатлигига ҳавф солувчи хасталикнинг олдини олишда ижтимоий ҳамкорлини янада кучайтириш, бу йўналишдаги сайё-ҳаракатларни муттасил мувофиқлаштириб бориш бўйича аниқ режалар белгиланди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова қатнашди ва сўзга чиқди.

(Ўз муҳбириимиз)

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда вилоятда янгидан қуриладиган, капитал реконструкция ва капитал таъмирланадиган қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қиладди:

| № | Объектнинг номланиши | Бошланғич нарх | | Қурилиш мuddати |
|---|---|-------------------|------------------|-----------------|
| | | ҚҚС б-н (млн.сўм) | ҚҚСсиз (млн.сўм) | |
| 1 | Термиз шаҳридаги Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини капитал реконструкция қилиш (3-босқич). | 3808,346 | 3173,621 | 270 кун |
| 2 | Кизирик тумани "Гулбоғ" маҳалласидаги 66- мактаб биносини капитал реконструкция қилиш (120 ўринли ўқув биноси ва 240 ўринли ўқув лабораторияси филиали қурилиши билан). | 1072,484 | 893,736 | 240 кун |
| 3 | Шўрчи туманидаги 68-маҳсус мактаб-интернат биносини капитал реконструкция қилиш (220 ўринли ўқув биноси қурилиши). | 645,334 | 537,778 | 180 кун |
| 4 | Сарюсий тумани «Хуфар» ҚФЙ «Сарижўй» маҳалласидаги 210 ўринли 38-мактаб филиали биносини капитал реконструкция қилиш. | 519,777 | 433,147 | 210 кун |
| 5 | Термиз шаҳридаги 8-мактаб биносини мукамал таъмирлаш. | 702,492 | 585,41 | 210 кун |
| 6 | Термиз шаҳридаги 9-мактаб биносини мукамал таъмирлаш. | 798,022 | 665,018 | 240 кун |
| 7 | Термиз туманидаги 6-мактаб биносини капитал реконструкция қилиш (120 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш ва 420 ўринли ўқув биноси қурилиши билан). | 998,514 | 832,095 | 240 кун |
| 8 | Қумқўрғон туманидаги 42-умутгаълим мактаб биносини капитал реконструкция қилиш (260 ўринли ўқув биноси ва 9x18 м ўлчамдаги спорт зал қурилиши билан). | 994,222 | 828,518 | 180 кун |
| 9 | Шеробод туманидаги 40-мактаб биносини капитал реконструкция қилиш (420 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш ва 80 ўринли ўқув биноси қурилиши билан). | 639,298 | 532,748 | 240 кун |

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжениринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун

зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги етарли касбий ва техникавий маляка, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан ҳуқаролик-муолама ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қий-

мат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан Давлат бюджет ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича оферталар баҳолашни, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устуник кичик бизнес корхона ва ташкилотларига бериладиган ҳамда мукамал таъмирланадиган ва қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчаси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин. **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-76, 222-45-92, 222-44-57.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — объектларнинг қурилиш қий-магига қараб **100 000** сўмдан **150 000** сўмгача. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчасига тақдим этишининг охириг мuddати — оферталар очилиши кунин ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.**

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2012 йил 20 декабрь кунин очиқ аукцион савдоларини ўтказилади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг давлат фельдегерлик хизмати балансидидаги 2005 й. и/ч, д/р 01/043 КАА, бошланғич нархи 7 051 984,05 сўм бўлган «Нексия», 2004 й. и/ч, д/р 01/014 LCA, бошланғич нархи 5 042 405,25 сўм бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади.

Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдоридида закат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddати ичиди олдиди-сонди шартномасини имзолаш, тўланган закат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафтларнинг пай-

шанба кунлари ўтказиладиган савдоларга тақдирлан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган мuddатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;
- закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатишга ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 399-81-19
электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома № 005414-05

Ифтихор

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН (U-19) ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА КУЧЛИ ТЎРТЛИКДАН ЖОЙ ОЛИБ, КЕЛАСИ ЙИЛИ ТУРКИЯДА БЎЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАМНИ КЎЛГА КИРИТГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ.



17 ноябрь оқшомида Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида навбатдаги Осие чемпиони ҳамда мусобақанинг турли номинациялар бўйича ғолиблари номи аниқланди. Финалда Жанубий Корея — Ироқ терма жамоалари учрашди. Хисобни дастлаб ироқликлар очди. Уйин тугашига санокли дақиқалар қолганида жанубий кореяликлар мағлубиятдан қутулиб қолди. Натижанда ғолиб номини аниқлаш учун қўшимча вақт ажратилди. Аммо уйин охиригача ҳисоб ўзгармади — 1:1. Чемпион пенальтилар серияси орқали аниқланди. Унда омад Жанубий Корея ёшларига кулиб бокди — 4:1.

Ахмадjon МУСАЕВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Аввало бизга барча шарт-шароитларни яратиб берган ҳукуматимиз ва Ўзбекистон футбол федерациясига ўз миннатдорчилигини билдираман. Мусобақада жаҳон чемпиони бўлганимизни кўлга киритганимиздан жуда хурсандман. Бу бош мураббий сифатида мен учун илк жаҳон чемпиони бўлганимизни ҳисобланади. Бунгача 2009 йилда мамлакат ёшлар, 2010 йилда ўсмирлар терма жамоаси таркибида ёрданчи мураббий сифатида жаҳон чемпионатига йўлланма олгандим.

Осие чемпионатида ҳар бир уйин қийин кечди. Шунга қарамай, жамоамиз аъзолари зиммаларига юклатилган вазифани уйдалаб, халқимиз ишончини оқдилади. Албатта, ярим финалда Жанубий Корея футболчиларига ютказганимиздан кўнглимиз бироз тўлмади. Йигитларнинг чорак финалда сурияликларга қарши кўп куч сарфлаганлари барибир кейинги уйинга салбий таъсир қилди. Бундан

ташқари, финал йўланмаси учун ўтган уйинда танаффусгача бир йўла икки футболчимиз — Сардор Собирхўжаев, Ихтиёр Тошпўлатовларнинг қўтилмаганда жиддий жаҳоятлангани ҳам уйин тактикамизини ўзгартириб юборди. Жанубий Корея терма жамоаси билан ўтказилган уйин биз учун жиддий сабоқ бўлди. Хато-камчиликларимизни тўзатиб олишимизга вақт етарли.

Сардор СОБИРХЎЖАЕВ, терма жамоа аъзоси, ҳимоятчи:

— Охириги уйинда рақиб билан тўқнашиб, оғим жиддий жароҳатланди. Натижанда «Тез тиббий ёрдам» машинасида мени шифохонага олиб кетишди, оғимни гипслаганди. Жамоамизнинг ярим финалда энгилганини эшитиб, жуда ҳафа бўлдим. Уйин охиригача жамоадорларимизга ёрданчи тегмаганидан афсусдаман. Мураббийларим кўнглимни кўтарди, келгуси йили Туркияда

бўладиган жаҳон чемпионатида ёрдам беришга тайёргарлик кўри дейишди...

Хайрулла ЮСУПОВ, терма жамоа ҳужумчиси Абдулазиз Юсуповнинг отаси:

— Кейинги пайтда футболчиларимизнинг турли терма жамоалар таркибида юртимизга ғалабалар билан қайтишига ўрганиб қолдик. Шу боис ёшларимизнинг ҳам бош совринни кўлга киритишгани кутгандим. Уларнинг чорак финалдаги ғалабасидан сўнг, дастлаб ўғлимнинг биринчи мураббийи Эркин Тураев менга кўнгирик қилди, бир-биримизни табриклидик. Бошим кўкка етди.

Эшларимиз жанубий кореяликларга осонликча энгилмади. Улардаги иштиёқ ва ғалабага бўлган интилиши кўриб хурсанд бўлдим. Йигитлар ҳар бир учрашувнинг охириги дақиқаларига гача ғолиблик учун курашдилар. Ишонманки, Ўзбекистон ёшлар тер-

ма жамоаси Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам муносиб қатнашади. Чунки юртимизда иқтидорли ёшларни тарбиялаш, уларнинг дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини намойён этишлари учун Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимиз катта ғам-хўрлик кўрсатмоқда. Фарзандларимиз келгусида ўз истеъдод ва маҳоратлари билан бу эътиборга муносиб жавоб қайтаришади, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бунгача Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Виктор Борисов бош мураббийлигида 2003, Ахмадjon Убайдуллаев кўл остида 2009 йилги жаҳон чемпионатидаги йўлланмаларни кўлга киритганди. Бу ғалабаларимиз учинчи бор жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Келгуси йилнинг ёзида Туркия яшил майдонларида ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг йигирма тўрт давлати терма жамоаси қатнашади. Хозирча унда иштирок этувчи ўн битта жамоа номи маълум: Туркия (меъзон), Испания, Греция, Франция, Англия, Португалия, Хорватия, ЎЗБЕКИСТОН, Жанубий Корея, Австралия, Ироқ.

Мамлакатимиз ёшлари дунёнинг энг кучли жамоалари сафидан жой олганлиги ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, албатта.

Тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари А.Икромов қатнашди.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Ҳар қандай оила давлатнинг бир қисmini ташкил қилгани учун ва одамларнинг ҳаммаси оиланинг бир қисми бўлгани учун, шунингдек, қисмларнинг фазилатлари яхлит нарса-ларнинг фазилатига мос келиши зарур бўлгани сабабли, аёллар ва болаларнинг ҳар бири ҳам давлат тузумига нисбатан мувофиқ даражага келтирмоқ керак. Муносиб тартиб-отлар жорий этишга интиларган давлат бу ишларга лоқайд қарамайди, муносиб фарзандлар ва муносиб аёлларга эга бўлиш учун чоралар кўради. Чунки аёллар жамакни эркин аҳолининг ярмини ташкил қилади, болалардан эса кейинчалик сиёсий ҳаётнинг иштирокчилари етишиб чиқади.

ЧЕМПИОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

ЯНА БИР ТУРДАН СЎНГ, ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ХХІ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ БАҲСЛАРИ НИҲОЯСИГА ЭТАДИ. ОДАТДА, МУХЛИСЛАР ЧЕМПИОНАТ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ НОМИНИ МУДАТИДАН ИЛГАРИ БИЛИШГА ЎРГАНИБ ҚОЛИШГАНДИ. АММО БУ ЙИЛГИ МУСОБАҚАЛАРДА КУЧЛИЛАР ОХИРИГИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИГАН БЎЛДИ.

Шу боис, йигирма бешинчи тур учрашувлари кўнглиликда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, нафақат турнинг, балки чемпионатнинг марказий учрашувларидан бири Қаршида «Насаф» — «Локомотив» жамоалари ўртасида кечди. Унда қўрилмаганда меҳмонлар қаршиликлари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўлаб, жадвалнинг учинчи поғонасига кўтарилиб олди — 0:2. Бу мағлубият эса «Насаф» жамоаси бош мураббийи Усмон Тошевнинг истеъфого чиқишига сабаб бўлди.

Мавсум чемпионлиги учун кураш олиб бораётган пойтахтнинг икки жамоаси — «Пахтакор» ва «Бунёдор» футболчилари бир хил ҳисобда рақибларини мағлуб этди. «Олмалик» жамоаси ўз майдонида пахтакорчилардан энгилди — 0:3. «Бунёдор» эса Тошкентда «Қизилкум»дан устун келди — 3:0.

Турнинг қолган уйинларида куйидаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» — «Шўртан» — 1:1; «Бухоро» — «Андижон» — 2:0; «Динамо» — «Нефтчи» — 2:0; «Металлург» — «Машвал» — 2:1.

Йигирма бешинчи турдан сўнг, ҳозирча «Пахтакор» жамоаси ҳисобида 56, «Бунёдор» вакилларида 54 очко бор. «Локомотив» ҳамда «Насаф» футболчилари эса бир хил — 46 тадан очко жамғариб, учинчи ва тўртинчи поғоналарини банд этган.

Олий лига жамоалари охириги тур бахсларини 21 ноябрь кунини ўтказади.

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қўрилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун



ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Иш вақти ҳар кунини соат 10-00 дан 18-00 гача.

Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-А уй.



Футбол

БРАЗИЛИЯ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати Осие минтақаси тўртинчи саралаш босқичи навбатдаги учрашувлари ўтказилди. Унда мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси Техронда Эрон футболчиларини мағлуб этди.

УЧРАШУВ ОЛДИДАН ҲАР ИККИ ЖАМОА ТАРКИБИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ЙЎҚОТИШЛАР БОР ЭДИ. ШУНГА ҚАРАМАЙ, БОШ МУРАББЙИ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ УЛАР ЎРНИНИ БИР ҚАТОР ИҚТИДОРЛИ УЙИНЧИЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ. БУ ЭСА ИЛК ДАҚИҚАЛАРДАН БОШЛАБ, ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ МАЗМУНЛИ ВА ШИДДАТЛИ ҲУЖУМЛАР УОШТИРИШИГА ЗАМИН ЯРАТДИ. БИРИНЧИ БЎЛИМДА ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ — 0:0.

Танаффусдан кейин ҳам футболчиларимиз ушқоқликни усайтирмади. Учрашувнинг 72-дақиқасида меъзонлар вакилларимизга қарши кўполлик ишлади. Жаримадан Сервер Жепаров узатган тўпни моҳир ҳужумчимиз Улуғбек Бақоев чиройли тарзда дарвоза тўрига жойлаб қўйди — 0:1. Уйин охиригача шу ҳисоб сақланиб қолди ва Ўзбекистон терма жамоаси ниҳоятда муҳим ҳамда тарихий ғалабани кўлга киритди. Бунгача мамлакатимиз футболчилари биронта ҳам расмий учрашувда эронликларни мағлуб этмаганди. Қувонарлиси, ушбу ғалаба ҳамюртларимиз учун Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати томон дадил ва муҳим қадам бўлди.

Бугунги уйин ва ғалаба учун йигитларга миннатдорлик билдираман, — деди учрашувдан сўнг терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Мен улар билан фахрланаман. Бугун ҳар иккала жа-

ғалаба қозондик. Гуруҳдаги вазият, тан оламан, чигал. Кимнинг имконияти қандай? Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашгани мақсад қилган эканмиз, қолган учрашувларда ҳам фақат ғалаба учун майдонга чиқамиз.

Гуруҳдаги иккинчи уйинда Қатар футболчилари ливанликлар устидан худди шу ҳисобда устун келди — 1:0.

«А» гуруҳидаги вазият

Table with 6 columns: Team, W, D, L, Goals For, Goals Against. Rows for Uzbekistan, South Korea, Iran, Qatar, Lebanon.

Мусобақанинг «В» гуруҳида ўтказилган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: Уммон — Япония — 1:2, Ироқ — Иордания — 1:0.

«В» гуруҳидаги вазият

Table with 6 columns: Team, W, D, L, Goals For, Goals Against. Rows for Japan, Australia, Iraq, Oman, Jordan.

Эслатиб ўтамиз, Осие минтақаси саралаш босқичининг навбатдаги учрашувлари келгуси йилнинг 26 март кунини ўтказилади. Шу кунини Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентда Ливан футболчиларини қабул қилади.

(Ўз муҳбиримиз).

ДУНЁ ШОҲМОТ ЮЛДУЗЛАРИ ЮРТИМИЗДА

21 ноябрь — 5 декабрь кунлари пойтахтимизда Халқаро шохмот федерацияси (FIDE) гран-при бахсларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтади. Унда ҳамюртими, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам волиблик учун курашади.

FIDE, ЎЗБЕКИСТОН ШОҲМОТ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲБАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА УОШТИРИЛАЁТГАН УШБУ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА ДУНЁНИНГ ЎН ИККИ НАФАР ЭНГ КУЧЛИ ГРОССМЕЙСТЕРИ ДОНА СУРАДИ. МАЗКУР ГРАН-ПРИ БАХСЛАРИ ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА ОЛТИ БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН. FIDE ГРАН-ПРИСИНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ ШУ ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ-ОКТАБРЬ ОЙЛАРИДА ЛОНДОН (БУОК БРИТАНИЯ)ДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ.

Пойтахтимиздаги мунтазам ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бошланадиган мусобақада 16-жаҳон чемпиони Руслан Пономарев (Украина), ўтган йилги Жаҳон кубоги соҳибини Борис Гельфанд (Исроил), тезкор шохмот бўйича амал-

даги жаҳон чемпиони Сергей Карякин (Россия), Италиянинг кўп қарра чемпиони Фабиано Каруано, тезкор шохмот бўйича 2008 йилги жаҳон чемпиони Перес Домингес (Куба), кўп қарра Осие чемпиони Ванг Хао (Хитой) сингари таниқли

гроссмейстерларнинг иштирок этиши ҳар бир учрашув кескин ва муросасиз кечилишидан дарак бериб турирди.

FIDE қарорига кўра, гран-при бахсларининг ҳар бир босқичи учун мукофот жамғармаси 170 минг евро эти белгиланган. Мусобақанинг олти босқичи якуни бўйича энг яхши деб топилган уч нафар шохмот устаси амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Анандга қарши дونا суриш ҳуқуқига эга бўлади. Жаҳон чемпионлиги учун бахслар эса 2014 йилда ўтказилиши режалаштирилган. Самандар БОБОРАЖАБОВ

Publication details for 'UZBEKISTON OVOZI' including address, contact info, subscription rates, and publisher information.